O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган

# Постда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 60 (3290) | 1999 йил 4 июнь, жума | Баҳоси эркин нарҳда

*Бош муҳаррир минбари*

## ЮРТИМИЗДА ҲАР БИР ИНСОН ТАҚДИРИ ЭЪТИБОРДА

Бу воқеа бундан йигирма йил олдин содир бўлган. Туппа-тузук оила бошига кутилмаганда ташвиш тушди: шу хонадон аъзоси – яқингинада армия хизматидан қайтган ўғил кўчада тасодифан муштлашиб қолди.

Гувоҳларнинг айтишича, бир безори нотаниш қизнинг йўлини тўсганда йигит уни ҳимоя қилган. Муштлашувдан сўнг безори дарҳол шифохонага бориб, ўзига етказилган тан жароҳати бўйича маълумотнома олади. Шундан сўнг милицияга арз қилади. Ўша пайтдаги мавжуд одатга кўра на ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, на суд ҳайъати бўлиб ўтган воқеага ҳаққоний ёндошиб, аниқлик киритмади. Оқибатда мансабдор шахсларнинг хизматдаги совуққонлиги туфайли йигит қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

У жазони ўтаб қайтгач, яқинлардан бирортаси ўша олийҳиммат, аммо энди адолатга ишончини йўқотган йигитни таний олмади.

Кўнгилсиз ҳодисалар йигит озодликка чиққандан кейин ҳам давом этди. Агар туманда бирор кўнгилсиз воқеа содир бўлса, "ҳушёр" ҳуқуқ-тартибот ходимлари "бу жиноятни сен содир қилгансан" қабилида иш тутиб, дарҳол уни сўроққа тутишарди. Йигит узоқ вақт ишга жойлаша олмади. Зеро, ҳеч қайси бир "қизил байроқли" меҳнат жамоаси бу инсонни ўз сафига қабул қилмади.

Бир сўз билан айтганда, одамларнинг бефарқлиги йигитнинг қаддини букиб қўйди ва унинг ҳаёти бутунлай тескари томонга кета бошлади. Бу эса нима билан тугаганини англаб олиш қийин эмас.

Сир эмас, ҳуқуқий демократик давлат барпо этилаётган бизнинг мамлакатимизда ҳам мустабид тузум даврида "одам бақувват қатағон машинаси механизмининг бор-йўғи бир кичик мурвати", деб ҳисобланган хатарли касалликдан ҳали тўлиқ халос бўлганимиз йўқ. Аммо мустақил Ўзбекистонда бундай "оғриқ"ларни таг-томири билан йўқ қилиш мақсадида ҳар бир фуқарога, ҳаттоки қонунбузарликка йўл қўйган ва тўғри йўлга киришга ҳаракат қилаётганларга ҳам ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Президентимизнинг "9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Фармони бунинг ёрқин далилидир. Нафақат ижтимоий, балки сиёсий аҳамиятга молик бўлган бу ҳужжат қабул қилиниши билан у ҳаётга жорий этила бошланди. Юртбошимизнинг мазкур Фармони, шунингдек, Ўзбекистоннинг инсонпарварлик ғояларига содиқлиги, мамлакатимиздаги барқарорликка путур етказишга уринаётган турли оқимдаги адоватчиларга нисбатан берилган жавоб эканлигини ҳам кўрсатиб турибди.

Эълон қилинган амнистия аввалгиларидан устунлиги билан ажралиб туради. Унда жазо муддатини ўтаётган кенг доирадаги шахслар учун Президент Фармони қўлланилиши кўзда тутилган янги муддатлар белгиланган. У, шунингдек, жазони ижро этишнинг амалдаги янги прецедентини яратди. Биринчи маротаба мустақил, суд қилмасдан (авваллари шундай қилинарди), маҳкумларни шартли равишда муддатдан олдин жазодан озод этиш ёки жазони енгилроғига алмаштириш масалалари ҳал этилмоқда. Эндиликда бу тоифадаги маҳкумлар учун тўпланган материалларни судда кўриб чиқишга ҳожат йўқ. Ушбу вазифа жазони ижро этиш муассасаси ваколати доирасида ҳал этиладиган бўлди. Бундан бошқа ўзгаришлар ҳам бор.

Президентимизнинг амнистия тўғрисидаги Фармонини ҳаётга жорий этиш хусусида гап борар экан, жамиятнинг билмай ёки ўзи хоҳламаган ҳолда жиноят содир этган шахсларга нисбатан муносабати муҳим эканлигини таъкидлаш зурур.

Озодликка чиқаётган шахсларни моддий қўллаб-қувватлаш билан чегараланиб қолишнинг ўзи етарли эмас, албатта. Уларни ишга жойлаштириш, турмуш тарзини яхшилаш, оилавий муносабатларини йўлга қўйиш борасида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб туриш зарур. Жазо муддатини ўтаб қайтганлардан бирортаси жамиятимиз ғамхўрлигидан четда қолмаслиги лозим.

Шу билан бирга озодликка чиққанлар зиммаларига катта масъулият юкланганини ҳис этиб, берилган имкониятдан Ватан манфаати йўлида фойдаланишлари, мазкур инсонпарварлик тадбири уларни қонунга итоат қилинадиган ҳаётга қайтариши учун бор ақл-идрокларини ишга солишлари талаб этилади.

Фақат жамият ва тенг ҳуқуқли фуқароларимиз бўлган бу инсонларнинг ўзаро муносабати мамлакатимизда Ватан учун ҳар бир кишининг тақдири муҳим эканлигини чуқурроқ англашга ёрдам беради.

Бугунги кунда озодликка чиққан одамлар ҳаётга фаолроқ киришишлари, ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланишлари, ўтмиш мусибатларига батамом чек қўйиш учун турмуш тарзи ва оилавий муносабатларни тўғри йўлга қўйишлари лозим. Ана шундагина мамлакатимизда ўксик тақдирли инсонлар янада камаяди.

## БОЛАЖОНЛАР БАЙРАМ ҚИЛДИЛАР





2

## ЖУРНАЛЛАРИМИЗНИНГ БЕШИНЧИ СОНЛАРИ БОСМАДАН ЧИҚДИ




## МАСЪУЛИЯТ БОР ЖОЙДА ТАРТИБ, ИНТИЗОМ БЎЛАДИ

"Тошвилйўловчитранс" концерни бошқарувининг раиси М. А. КАРИМОВ билан эксклюзив интервью 3



*Турмуш чорраҳаларида*

## У КИШИ ХАЛОСКОРИМ ҲАМДИР 10

## ? Билмаганни сўраб ўрганган олим !

## 12 КРИПТОГРАММА

MUNAJJIMLAR BASHORATI

## СУД ЖАРАЁНИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида шу йилнинг 16 февраль куни мамлакатимиз пойтахти Тошкентда Президент ва бошқа давлат раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш, конституциявий тузумга қарши қўпорувчилик ва бошқа ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланувчи йигирма икки нафар шахсга нисбатан очиқ суд жараёни бошланди.

Суд мажлиси Олий Суд Раисининг биринчи ўринбосари А. А. Полвонзода раислигида, Олий Суд судьялари Р. А. Акбаров ва Қ. И. Исаров таркибида олиб борилмоқда. Давлат айбловини қўллаш учун Аллия катта маслаҳатчиси Б. А. Зоҳидов, Н. М. Бобоев, судланувчиларни ҳимоя қилиш учун эса 20 нафар адвокатлар қатнашмоқда.

Суд мажлисида мамлакатимиз ва кўпгина чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, шунингдек элчихоналарнинг масъул ходимлари ҳам иштирок этмоқдалар.

Суд жараёни давом этмоқда.

**(ЎзА).**

*"Қорадори–99"*

## ТАДБИР НАТИЖАЛАРИ

Республика ички ишлар идораларидан катта куч, манфаатдор ташкилот, идора ва жамоатчилик вакиллари жалб этилган "Қорадори" тадбири қизғин давом этмоқда.

Республика Ички ишлар вазирлигига келиб тушаётган маълумотлар гиёҳфурушларга қарши олиб борилаётган кенг кўламдаги ишларнинг самара бераётганини кўрсатиб турибди.

Тадбирда ноқонуний етиштирилаётган, таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни аниқлаш ва йўқ қилишга алоҳида эътибор берилаяпти. Тадбир давомида 1,9 гектардан ортиқ майдонда (776 та ҳолат) "заҳриқотил" етиштирилаётгани аниқланди. Бунинг асосий қисми кўкноридир.

Ўрни келганда бир неча мисол келтирмоқчимиз. Самарқанд вилояти Нарпай тумани Ғалаба жамоа хўжалигида яшовчи Б.Насриддин 190 квадрат метр майдонга кўкнори эккани маълум бўлди. Челак тумани Каттатурк жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи А.Пардаев эса томорқасидаги 400 квадрат метр майдонда ана шундай "заҳриқотил" етиштираётганда ушланди. Барча гиёҳвандлик моддалари йўқ қилинди.

Тадбир давомида 2,1 гектар майдонда ёввойи ҳолда ўсаётган наша ўсимлиги рўйхатга олинди. Уларни йўқ қилиш чораларини кўрмаган 337 нафар мансабдор шахсга маъмурий жазо берилди.

Шулар билан бир қаторда гиёҳвандлик моддаларининг тарқатилишига қарши ҳам кураш олиб борилаяпти. 186 нафар оғуфурушлар ушланиб, улардан 139 килограмм турли хил гиёҳвандлик моддалари олиб қўйилди. Шу жумладан, 6 килограммга яқини героиндир.

Май ойининг сўнгги кунлари республика ИИВ ЖҚББ гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш бошқармаси ходимлари томонидан пойтахтдаги Акмал Икромов туманида ўтказилган тадбир чоғида уч кишидан иборат жиноий гуруҳ ушланди. Улардан бири икки марта судланган. Гуруҳ аъзолари 355 грамм героинни 5000 АҚШ долларига сотишаётганда қўлга олинди. Жиноятчилар иккита машинада бўлиб, милиция ходимларининг пухта ва тезкор ҳаракати туфайли айтарли қаршилик кўрсатишга улгуролмай қолишди.

Мана бу далил эса оғу тарқатувчиларнинг иштаҳаси "карнай" эканлигини кўрсатиб турибди. Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани ДАН масканида Тожикистондан Саратовга картошка олиб кетаётган "КамАЗ" русумли автомашина тўхтатилди. Милиция ходимлари заҳирадаги бензин бакига ўрнатилган хуфёна жойдан 10 килограммга яқин опий ва 57(!) килограммдан ортиқ гашиш олишди. Бу ҳозирда давом этаётган тадбир пайтида рўйхатга олинган энг йирик кўрсаткич қайд этилган ҳолатдир.

**Ўз мухбиримиз.**

ОЙНАИ ЖАҲОН дастурлари тўлалигича – фақат бизнинг газетамизда!

# АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ

1999 йилнинг 28 майида Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида «Вояга етмаган қизлар орасида қонунбузарликларни камайтириш ва уларни қайта тарбиялашни такомиллаштириш» мавзусида республика амалий йиғилиши бўлиб ўтди.

Ушбу анжуманда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Чақирув ёшидаги ўсмирлар бошқармаси, Ўзбекистон давлат телерадиокомпаниясининг масъул ходимлари, Фарғона вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоятлардаги ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармалари раҳбарлари, вилоят прокуратураси ва халқ таълими бошқармасининг масъул ходимлари, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар билан ишлаш инспекциялари ва вояга етмаганларни қабул қилиш-тақсимлаш муассасалари раҳбарлари иштирок этдилар.

Республика амалий йиғилишида Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖООБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Б. Н. Досмуҳамедов, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими Маркази раҳбарининг ўринбосари Х. Маҳсудов ва бошқа сўзга чиққанлар нутқларида мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлодга ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, ушбу йўналишдаги кенг кўламли хайрли ишларга тегишли давлат идоралари ва жамоат бирлашмалари билан бир қаторда кўплаб нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва жамғармалар ҳам ўз ҳиссаларини қўшаётганлиги, ёшлар тарбиясига жиддий эътибор бериш, айниқса, вояга етмаган қизлар ўртасида қонунбузарликларни камайтириш ва уларни қайта тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шундан сўнг вояга етмаганлар қаровсизлиги ва улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳамда қайта тарбиялаш борасида тегишли давлат идоралари ва жамоат бирлашмаларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш юзасидан ўзаро фикр алмашувлар, мунозаралар бўлиб ўтди.

Анжуман якунида иштирокчилар Қўқон шаҳрида жойлашган Фарғона вилоят ИИБ Вояга етмаганларни қабул қилиш-тақсимлаш муассасаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими Марказига қарашли 4-сонли ихтисослаштирилган касб-ҳунар мактабини бориб кўрдилар ҳамда ушбу муассасаларда вояга етмаганлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишлар ва улар учун яратилган шарт-шароитлар, қулайликлар билан танишдилар.

**М. ҚОЖАНИЯЗОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖООБ катта инспектори, милиция капитани.**

# ХАТЛАРДАН САТРЛАР

Ўғлим болалигида нимжон бўлгани учун тез-тез шамоллаб, касалга чалиниб турарди. Уни спорт ва милиция ҳаётига қизиқтиришим ўз натижасини берди. 1994 йил мактабни битиргач, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясига ўқишга киришга муваффақ бўлди. Болам ўтган вақт мобайнида ўзини босиқ тутиш, теран фикрлаш, масъулиятли бўлишга ўрганганидан қувониб қўяман. Менинг оиламдан ҳам халқ осойишталигини таъминловчи, юртимизни ёвуз, террорчи, экстремистик руҳдаги нопок кимсалардан ҳимояловчи инсон етишиб чиқаётгани фахрлидир. Ўғлим ва унинг тенгқурлари шу даражада камол топиши учун бор кучғайратини аямаётган Академия жамоасига миннатдорчилик билдираман.

**З. ТЎХТАЕВА,**
**Қашқадарё вилояти ИИБ, СЭС бошлиғи.**

* * *

Самарқанд вилояти прокуратурасида вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Ҳуқуқ» газетаси жамоаси билан учрашуви бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда ҳуқуқий нашрларнинг бош муҳаррири Абдухолиқ Абдураззоқов сўз олиб, нашрларнинг ҳозирги даврдаги ўрни, мақсади ва техник салоҳияти, келгуси режалар хусусида гапириб берди. Шундан сўнг ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, журналистлар ёритилаётган мавзулар бўйича ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Учрашувда Самарқанд шаҳар ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковниги Р. Зоҳидов иштирок этди.

**С. ЗОҲИДОВ,**
**милиция майори.**



# БОЛАНИ БОШДАН АСРА

Соғлом авлод учун

***Бу мақол замирида болажонларни фақат маънавий эмас, жисмоний жиҳатдан ҳам асраб-авайлаш, чиниқтириш, соғлом, бақувват, ўт юракли ўғил-қизлар қилиб етиштириш зарур деган маъно ҳам бор.***



Куни кеча пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш марказида Ички ишлар вазирлиги Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ходимларининг ташаббуси билан 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўтказилган байрам тантаналари фарзандларимизнинг келажаги, соғлиги учун том маънода қилинаётган саъй-ҳаракатлар намойиши бўлди десак, арзийди.

Бу йилги байрам тантаналари ўтган йиллардагидан фарқли ҳолда очиқ майдонда, спорт-соғломлаштириш мажмуида бўлди. Кўм-кўк, яшнаб турган майсалар узра чопқиллаётган болаларнинг шодлиги чексиз. Байрамни очган фарзандлари ёнида оталик бахтидан масрур ички ишлар ходимларини, ял-ял ёнган опа-сингилларимиз ва шодлиги кўксига сиғмаётган болажонларни табриклаган ИИВ ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Ў. Жўраев «Меҳржон» гуруҳига навбат берди ва болаларни байрам тадбирларида фаол иштирок этишга таклиф қилди.

Тантанага файз киритган «Меҳржон» гуруҳининг Ҳумо қуши, Насриддин Афанди, Қизил қалпоқча ва рақкоса қизлари, севимли қизиқчи Валижон Шамшиев қатори байрам иштирокчилари ўғил-қизларимиз ҳам «Қоронғуда гул териш», «Ўзбекча кураш» каби ўйинларда фаол иштирок этдилар.



Байрамнинг асосий қисми — спорт-соғломлаштириш ишлари бўйича ўтказилаётган тадбирлар намойиши бошланди. Унда мезбонларнинг каратэ, у-шу каби қатор спорт турларида иштирок этаётган ўсмирлар ва болалар гуруҳи ўз раҳбарлари бошчилигида маҳоратларини намойиш қилдилар. Шунингдек, «Динамо» жисмоний маданият ва спорт жамиятининг А. Н. Колемасов бошчилигидаги боксчилари, махсус жисмоний тайёргарлик Марказининг милиция подполковниги Р. Илхомов раҳбарлигидаги кўл жанги, О. Очилов тренерлигидаги акробатика, тренер — катта лейтенантлар Д. Л. Ситников бошчилигидаги ўқ отиш, В. М. Ковицкий бошчилигидаги енгил атлетикачиларнинг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирибгина қолмай фарзандларимиз қалбида спортга, жисмоний тарбияга нисбатан кучли иштиёқ ҳам уйғотди. Шунинг учун югуриш футбол, велосипед ва самокат пойгалари, арқон тортиш, ўқ отиш каби кўплаб мусобақалар бошланганда болажонларимиз спорт майдонини эгалладилар.

— Ўғлим ва қизим бугунги бир неча мусобақада иштирок этиб қатор мукофотлар олишди, — дейди байрам иштирокчиси Г. Содиқова, — ва, албатта, спорт тўгаракларига аъзо бўлишга аҳд қилишди. Худо хоҳласа, ёзги таътилда болаларим бу ердаги спорт тўгаракларига қатнашиб, чиниқадилар...

Бу — байрамда иштирок этган барча ота-оналарнинг, болаларнинг орзуси эканлигига шубҳа йўқ. Ва умид қиламизки, келажакда кўплаб спорт усталари, Олимпиада ўйинлари қатнашчилари — соғлом авлодимизнинг айнан мана шу маскан тарбиялайди.

**Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.**

**Суратларда: байрамдан лавҳалар.**

# ОЧИҚ МУЛОҚОТ ФОЙДАЛИ БЎЛДИ

Халқаро алоқалар

**Газетамизнинг ўтган сонида уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммоларига бағишлаб республика ИИВ Академиясида ўтказилаётган халқаро семинарнинг иш бошлагани ҳақида хабар берган эдик. Семинар Ўзбекистон Республикаси ИИВ, МХХ ва Прокуратурасининг тезкор ва тергов бўлинмалари ходимлари учун мўлжалланган бўлиб, машғулотларни ФТБ махсус агентлари гуруҳи ва АҚШнинг округларидан бири бўйича Федерал прокурори муовини олиб боришди.**

Машғулотлар қандай ўтди? Америкалик мутахассислар амалиёт ходимлари бўлиб, ўзлари билан АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари уюшган жиноятчиликка қарши олиб бораётган курашининг кўпгина муҳим томонларини, йўналишларини акс эттирувчи бой услубий материаллар, кўргазмали қўлланмалар, видеоматериаллар олиб келишган эди. Семинар тингловчилари АҚШ ҳуқуқий тизими асослари, ФТБ ва федерал округ прокуратураси тузилиши ва вазифалари билан танишдилар. Кўпгина машғулотлар АҚШда давлатнинг уюшган жиноятчиликка қарши кураши тарихига, мавжуд гуруҳларнинг этник жиҳатдан турларига, АҚШда уюшган жиноятчиликнинг турли кўринишлари билан курашда қўлланиладиган усуллар ва услублар тадрижига бағишланди. Иш амалиётидан олинган мисоллар орқали америкалик мутахассислар мураккаб ишларни олиб бориш, бунда хабарчилардан фойдаланиш, жиноятчилар муҳитига ўз ходимларини «киритиш» сир-асрорлари билан ўртоқлашдилар. Американча тергов тизимининг ўзига хосликлари, бу мураккаб ишни режалаштириш, гувоҳлар билан ҳамкорлик, уларни ҳимоя қилиш, суд жараёнини моделлаштириш ва тайёрлаш, судолди жараёнлар ва шу каби қатор ҳуқуқий масалалар билан семинар қатнашчилари қизиқиб танишдилар.

Барча машғулотлар мунозара шаклида ўтди, тингловчилар саволлар бериш, у ёки бу кўтарилган мавзу бўйича ўз назарини баён этиш, қизиқарли фикрларини муҳокамага қўйиш имкониятига эга бўлдилар. Бу ўқув материалини осон ўзлаштиришга, олинган маълумотларни мустаҳкамлашга катта ёрдам берди.

Энди сўз семинар қатнашчиларига.

Республика ИИВ Академияси жиноят ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси, милиция капитани И. СОТТИЕВ:

— Биз ФТБ ва адлия идораларининг ҳақиқий амалий фаолияти ҳақида кўп нарса ўргандик, бу ҳар томонлама фойдали. Америкада суд жараёни тез кечар экан. Масалан, талончилар жиноят устида қўлга олинса, уларни зудлик билан судга топширишар, суд ҳам тезлик билан ҳукм чиқарар экан. Полиция ходимлари судда гувоҳлар сифатида қатнашар экан. Яъни, жиноят ва жазо оралиғи қисқа бўлиб, жазонинг муқаррарлиги шундоқ кўриниб турар экан. Албатта, апелляция ҳам кўзда тутилган, такрор айтаманки, бундай тезкор суд умумий қоида эмас, балки жиноят оддий кўзга ҳам ташланиб турган ҳолларда қўлланилади. Шундай бўлса-да, бу жараёнда ортиқча сансалорлик, қоғозбозликнинг йўқлиги кишининг диққатини тортади.

Республика ИИВ КР ва ТҚББ ТБ терговчиси, милиция майори З. ЁҚУБОВА:

— Америкалик мутахассислар семинар жараёнида ўз мамлакатларининг ҳуқуқий тизими фаолиятини иложи борича тўлароқ курсатишга ҳаракат қилдилар, бунга муваффақ ҳам бўлдилар. Улар бошдаёқ ўз ҳуқуқий институтлари бекаму кўст деган даъводан йироқликларини таъкидладилар: ўзига яраша ютуқлари, камчиликлари борлигини айтдилар. Дарҳақиқат, семинарда ҳам айтилди, менинг ҳам назаримда АҚШнинг ҳар бир штатида тарихан шаклланган ўз жиноий-процессуал қонунлар мажмуи борлиги муайян муаммоларни келтириб чиқаради. Демоқчиманки, юқори малакали америкалик ҳамкасбларимиз ўз муаммолари ҳақида гапирдилар, биз ўз муаммою ютуқларимиз билан ўртоқлашдик, бундай ошкора мулоқот ҳаммамиз учун ҳам фойдали бўлди.

Республика ИИВ Академияси ТТВ бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция катта лейтенанти А. ҲАМИДОВ:

— Машғулот ўтказган мутахассислар пухта тайёрланганини, зарур техник таълим воситаларидан самарали фойдаланганини, курс дастури оқилона тузилганини, тегишли схемалар билан таъминланганини таъкидлаш жоиз. Семинар дўстона, самимий руҳда ўтди, қатнашчилар ўзаро яқин шахсий алоқалар ўрнатдилар. Уйлайманки, бу алоқалар давомли бўлади.

Семинарнинг ёпилиш маросимида АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчисининг ўринбосари Д. Лимпрект иштирок этди. У мамлакатларимиз ўртасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолияти бўйича ҳамкорликнинг чуқурлашиб бораётганига юксак баҳо берди. Д. Лимпрект уюшган жиноятчилик чегара билмаслигини, унга қарши халқаро миқёсда биргаликда курашиш зарурлигини таъкидлади. У бўлиб ўтган семинарни бу узлуксиз ривожланаётган жараёнда ташланган жиддий қадам деб баҳолади.

Семинар иштирокчиларини ИИВ Академияси бошлиғи, милиция генерал-майори У. Тожихонов қизғин табриклади.

Семинар курсининг тингловчиси бўлган барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига белгиланган намунадаги сертификатлар топширилди.

**Ўз мухбиримиз.**

Эл осойишталиги йўлида

# ЁШ БЎЛСАЯМ КЎПНИ КЎРГАН

Қўшработ тумани нафақат табиати билан, балки жамияти, яъни аҳолисининг тантилиги билан ҳам ўзига хос. Кўрки кўкламдан бошланадиган бу юртга баҳорда боришга интизорлар жуда кўп. Раҳматли устозларимиздан бири профессор Очил Тоғаев қўшработлик эканлигимни билиб қолгач, Қувкалла қишлоғини биласанми, у ерлар Ўзбекистоннинг Швейцарияси, дея изоҳлаб, Қўшработ ҳақида, унинг табиати-ю одамлари хусусида жуда кўп илиқ гапларни айтганди.

Дарвоқе, ҳар сафар Онаюртимга борганимда бу гўшанинг яна бир ўзига хос қирраларини кашф этгандай бўламану таажжубланиб қайтаман. Наҳотки буни илгари сезмадима, дея ажабланиб ўйга чўмаман. Бу сафар борганимда вужудимда тетиклик, бардамлик пайдо бўлганини сездим. Дастлаб буни ўзим ҳам юрт соғинчига, ота-оналар дийдорига етишга интилиш истагининг рўёбга чиққанига йўйдим. Бироқ, машҳур бахши ва шоир Эргаш Жуманбулбул бобомизнинг:

*Районим Нурота тоғлар*
*ораси*
*Отим Эргаш Жуманбулбул*
*боласи*
*Қаридимми десам*
*кўнглим қоласи*
*Ҳар куни ортадир*
*ёшдан ҳавасим*

деган байтлари эсимга тушгач, бу ернинг ҳавосида одамни ёшартирадиган сеҳр борлигини, қушлари куйлаётган ҳар маъвода меҳр-оқибат мужассамлигини сездим. Дарҳақиқат, буюк бобомиз айтмоқчи бу тоғларнинг ҳар дарасида инсон дардига қўнган гардларни учириб юборувчи шамоллар эсишини англадим. Демак, бу юртда соғинчдан ҳам юксак тоғлар бор. Софликда, мусаффоликда тенги йўқ булоқ сувлари бор. Мана шулар қалбимдаги ғуборни қувди. Дилимдаги аллақандай ғашликни вужудимдан тарк эттирди.

Қўшоғоч қишлоғидан чиқадиган шифобахш сувни илгарилари ичишга қийналардим. Негаки ундан балчиқнинг ҳиди келгандек туюларди. Аммо бу сафар унга чанқоғим босилмай қайтди. Негаки уни тинитиб, тиндириб ичсангиз бошқача бўларкан. Мана шу менинг назаримдаги сўнгги кашфиёт.

Хизмат тақозосига кўра бу элнинг тинчини бузишга чоғланган кишиларнинг танобини тортиб қўядиган идоралардан бири — Қўшработ туман ички ишлар идорасида бўлдим. Бўлимга ёш ходим бир неча йиллар шу туман ички ишлар бўлимида хизмат қилиб кейинги пайтда Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармасидаги масъул вазифалардан бирида хизмат қилаётган милиция капитани Ботир Турсунов бошлиқ этиб тайинланибди.

Сенинг кимлигингни эл билса бўлди, деганларидек, Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти тасдиғидан ўтган бу йигитни элдошлари ҳам яхши танишар экан. Негаки, эл оғзига элак тутиб бўлмайди, деганларидек яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам элда ётмайди. Ботир Турсунов ҳақида эшитганим эса «Ёш бўлсаям, кўпни кўрган бола» деган гап бўлди. Демак, кўпни кўрган йигит тош-тарозини билади. Элининг, элдошларининг бурнини ноҳақдан қонатмайди. Ўзида бор ҳуқуқдан ноҳақ фойдаланмайди. Гоҳида қулоққа чалинадиган айрим нафси ҳакалак отган раҳбарларга нисбатан айтиладиган «Ўз манфаатини кўзлайди», деган гапларнинг бу йигитга тегишли эмаслигини унинг ўзи эмас, келиб чиқиши, яъни отасининг ўқитувчи эканлиги тасдиқлаб турибди.

Олманинг остига олма тушади деганларидек, ўқитувчининг ўғли умрида таъма нималигини билмай катта бўлган. Демак, отасининг боласи бўлса, — эзгулик йўлида отасидан ўтказиб яхшилик қилса қиладики, ёмонлик қилолмаса керак. Шу боис, бу йигитни биздан яхши биладиган Қўшработ халқи аввало ҳамкасблари ҳам ўзимизнинг укамиз, акамиз дея севиниб кутиб олишибди.

Қисқаси Қўшработда оғир жиноятлар унчалик кўп содир этилавермайди. Бир вақтлар тоғли ҳудуд бўлгани учун гиёҳванд моддаларни экиш авж олган эди. Туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг саъй-ҳаракатлари билан тоғларда бу усулда «деҳқончилик» қиладиган «деҳқонларнинг» боғи кўкармайдиган бўлди.

Туман ички ишлар бўлими ходимлари учун яна бир катта иш — туманда илгари Жўш бозори бир кун фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда бу ерда тўрт кун бозор. Демак, тўрт кун халқ тўпланадиган жойда ички ишлар ходимларининг асосий кучи бозорда. Растадан четда турган сотувчини растага ўтиб сотинг дейишдан тортиб, вой-дод пулимни ўғирлаб кетди, деб додлаб келган қасабали момонинг пулини топиб бериш ҳам уларнинг бўйнида. Баъзан тоғда юравериб зерикиб кетганидан бозорга тушган йигитлар майизними ёки нўхатнинг пулига юзта-юзта қилайлик деб, кўпайиб кетгач тўпалон ҳам чиқариб қолишади. Шундай пайтда яна ички ишлар ходимлари югурган денг. Хуллас, сиртдан қараганда тинч, осуда ўлканинг ҳам ўзига хос ғалвали нуқталари бор.

Бу элнинг ота-бобоси азалазалдан чорвачилик ва деҳқончилик билан рўзғор тебратиб келишган. Шу боис, бу ерликлар уйида бир-икки бош қорамол ва беш-ўнта қўй, эчки бўлмаса, рўзғорда барака йўқ деб ҳисоблашади. Дарҳақиқат, бир сигир бўлса болаларга ҳам ош қатиқ бор, ҳам қозондаги мой чўмичга чиқиб турибди. Бундан-да муҳим томони мол-ҳол улар учун банк вазифасини ҳам ўтайди. Чўнтакда пул турармиди дейдию, дарров бозорга тушиб мол олишади. Йўқ бўлганда битта-иккитасини боласига етаклатиб киссани қаппайтириб келишади. Бу гапларни батафсилроқ айтганимнинг боиси, элнинг ишонган давлати чорва молларга кўз олайтирувчи қора ниятли кишилар ҳам баъзан оч бўридай эл оралаб қолади-да. Уларни тутиб молларни эгасига қайтариш эса яна кимга иш — милиция ходимларига.

Туманда мол ўғирлиги далиллари йил бошидан буён беш-олти марта қайд этилибди. Икки-учтаси очилгану бир-иккитасининг очилишидан моллар эгалари қанчалик умидвор бўлса, ички ишлар ходимлари ҳам шунчалик манфаатдор. Негаки, уларни топмаса, нафақат юқоридан гап эшитишади, балки элдошлари орасида уятга қолади. «Ишонганимиз сизлар бўлсанглар. Бир молни ўғрисини тополмасанглар хайф сизларга-е. Тағин фалон жойда ўқиб келганман, деб кўкрак кериб, юрасизлар», — деган гапни нақ ўзларига айтиб кетишади. Шу боис, бу ердаги елкасига погон таққан барча йигитлар элнинг, элдошларининг қалбига қайғу соладиган ҳар қандай жиноят тугул, оддий ножўя ҳатти-ҳаракатга ҳам жиддий қарашиб, уларга нисбатан қонун доирасида тегишли чоралар кўришмоқда.

Энди қўшработлик ички ишлар ходимлари томонидан ўз вақтида очилган жиноий ҳолатлар тафсилотларидан ҳам бир-икки мисол келтирсак, юқоридаги гапларимиз қуруқ гапни роса олиб қочибди-я, деган фикрдан йироқлашса керак.

Туманнинг Очил Қодиров номли жамоа хўжалигидан Жўш қишлоғига кетадиган симёғочлардан алоқа симини қирқиб олиб кетишда гумондор шахслар Ўролбой Норбеков ва Қодир Умаровлар ашёвий далиллар билан қўлга олинади.

Қўшработ ижара хўжалигининг Чорлоқ қишлоғида яшовчи М. Мавлонов молхонасидан ўғирланган бир бош қорамолини топиб бергани учун ички ишлар ходимларидан миннатдор бўлиб юрибди. Шунингдек, бу элнинг каттаю кичиги танийдиган раҳматли Ҳусан бобо Ҳакимовнинг ўғилларидан бирининг қорамолини ҳам ўғирлаган бир бетовфиқ юзи шувут бўлиб панжара ортида ўтирибди. Хуллас, шу элнинг тинчига раҳна солувчилар пешона тери, ҳалол меҳнати билан топган мулкига кўз олайтирувчилар ички ишлар ходимларининг назаридан четда қолгани йўқ. Уларнинг ҳар бири ўз қилмишига яраша жазо олишмоқда.

Дарвоқе, биз Б. Турсуновни туғилган куни билан ҳам табрикламоқчи эдик. Лекин айни шу кунларда унга милиция майори унвони берилганидан ҳам хабар топгач, у кишини қўшалоқ байрам билан барча ҳамкасблари қатори муборакбод этгимиз келди. Элдошларимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида чарчаманг, Ботир ака.

**Шуҳрат Ҳуббим ТОШ.**
**Самарқанд вилояти.**

# ДОИМО ЁНИМИЗДАСИЗ, УСТОЗ-ФАХРИЙЛАР!

Сирдарё вилоят ички ишлар бошқармасида ички хизмат полковниги Нарзулла Ҳабибов, милиция полковниги Абдутолиб Назаров ҳамда ички хизмат подполковниги Солижон Содиқовларни нафақага кузатиш кечаси бўлиб ўтди. Кечани бошқарма бошлиғи, милиция полковниги Р. Тўлаганов очиб, жиноятчиликнинг олдини олиш, эл-юрт осойишталигини таъминлашда уларнинг қўшган ҳиссалари ҳақида гапирди. Ўзларининг виждонан, ҳалол меҳнатлари билан халқнинг обрў-эътиборини қозонганликларини таъкидлади. Пировардида кўп йиллик тажрибаларини ёшларга ўргатиш, барқарорликни мустаҳкамлашда кўмак беришлари учун ички ишлар идораларининг эшиклари доимо очиқлигини айтиб ўтди.

Бошқарма бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Т. Аллаёров нафақага кузатилаётганларга шахсий таркиб номидан табрик ва дил сўзлари битилган эсдаликни топшириб, уларни қимматбаҳо совғалар билан мукофотлаш ҳақидаги буйруқни ўқиб эшиттирди.

Шогирдлар номидан сўзга чиққан милиция майори Алишер Ақбутаев устозларга, уларнинг ички ишлар хизматини ўрганишда, эл-юрт осойишталиги учун курашда кўрсатган ёрдамлари, бебаҳо панд-насиҳатлари, намунали ишлари учун самимий миннатдорчилик билдирди.

**Ж. КАРИМОВ,**
**ички хизмат лейтенанти.**

# АНТИҚА ИХТИРО

Қоракўллик Сайфулло Қуллиев ва Алишер, Шерали Розиқовлар Моҳонкўлга қамиш ўриш учун боришди. Улар бу қамишдан (бўйра) чий тўқиб сотиш ва шу йўл билан тирикчилик қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Тўғрида ҳозир айни уй-жой қуриш мавсуми иморат томини ёпувчиларнинг саноғи йўқ, чий излаб юришибди, бозори чаққон.

Аммо бу уста кўрмаган шогирдлар, ҳалол меҳнат билан бола-чақа боқиш ўрнига, шайтоннинг измига кириб жиноятга қўл уришди.

Воқеа бундай бўлган...

Асли косиб бўйрани фақат қамишдан тўқийди, бу бўйралардан том ёпишда, деворлар, хоналарни манзарали безашда ва қолаверса тўшак сифатида фойдаланилади.

Лекин «чала косиблар» ноёб кабел ичидаги юмшоқ симдан фойдаланиб қулинг ўргилсин бўйра тўқимоқ ниятида Моҳонкўл ҳудудидан ўтувчи «Ўзнефтгазалоқа» ташкилотига тегишли бўлган кабелдан ҳеч тап тортмай 3000 метрини ковлаб олиб, давлатга 359 минг 553 сўм зарар етказиб, алоқа тармоғини маълум муддатда ишдан чиқишига сабабчи бўлиб, жуфтакни ростладилар.

Ўғрилик билан қўлга киритилган кабелни ўз уйларида маҳорат билан ёқиб-эритиб ичидан симларини олаётганларида изқуварлар уларни бурнидан илиб олдилар.

**Ҳабиб БОЛТАЕВ.**

# ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИ ХАБАРЛАРИ:

Нукус шаҳридаги ун комбинатида ишлайдиган 5 нафар йигит, шу корхонадан 10 қоп унни ўғирлаб чиқишди. Мазкур комбинат ички ишлар бўлимининг қўриқлаш бўлинмалари томонидан қўриқланмайди, бироқ қўриқлаш ходими, милиция капитани Х. Қўзибоевнинг ҳушёрлиги туфайли ун комбинатидан тушган бешовлон қўлга олинди.

* * *

Кечаси милиция нарядларининг хизматини текшириб юрган қўриқлаш ходимлари Бухоро шаҳри, Тўқимачилик туманидаги улгуржи савдо майдонининг орқа томонида жойлашган гараждан шубҳали овозлар келаётганини эшитиб қолишди. Милиция ходимлари томонидан кўрилган чоралар натижасида гараж остини қазиётган шахслардан бири қўлга олинди. Суриштирув жараёнида маълум бўлишича ушбу вояга етмаган йигитчалар гараж ёнидаги тижорат дўконига кириб, у ердан бир қанча молларни ўғирлаб чиққан эканлар. Далилий ашёлар олинди.

**«ҚЎРИҚЛАШ» РБ**
**МАТБУОТ ГУРУҲИ.**

# ФИДОЙИ

Жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи ички хизмат подполковниги мени ўтиришга таклиф қилар экан:

— Хўш, хизмат? — деди.

— Сиз раҳбарлик қилаётган муассасада маҳбуслар ўртасида тартиб-интизом, уларнинг яшаш шароити яхши, ишлаб чиқариш суръати юқори экан деб эшитдим...

— Кимдан? — гапимни бўлиб синчковлик билан тикилди Азиз Бозорович.

— Хизмат сафарига келаётганимда ўғли жазони шу колонияда ўтаётган бир чол ҳамроҳ бўлди. Отахон маҳалла қўмитасининг оқсоқоли экан. «Ўзим йўлга сололмаган ўғлимни бу ерда тарбиялашяпти, барака топишсин. Бўйни меҳнатга ёр бериб, уйга ҳар ой 3—4 минг сўм пул ҳам юборяпти. Гап-сўзлари ҳам ўзгариб қолган, қилмишидан пушаймон», деди оқсоқол қувончини яширмай.

...Муассасада биринчи чоракда фойдали меҳнатга жалб қилинганларнинг сони 1,5 баравarга ошган. Ишлашни хоҳловчилар кўп. Тайёрланаётган маҳсулотлар турли-туман: йўлкалар учун бетон плиткалар, ҳар хил пўстинлар, пойабзаллар, бетон ғиштлар, мебеллар... Бу ерда маҳсулот таннархини арзонлаштириш устида тинмай изланишяпти. Масалан, хом терини ошлашдан то пойабзални тайёр ҳолга келтиришгача бўлган барча ишлар муассасанинг ўзида бажарилади. Ҳозирда айрим корхоналар «омбор учун» ишлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу ерда эса буюртмачиларни излаб топиш, улар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик ўрнатиш яхши йўлга қўйилган. Маҳсулот сифатига алоҳида эътибор берилади. Тайёр маҳсулотлар мунтазам лаборатория кўригидан ўтказилади, буюртмачилар талаби улар учун қонун. Яна бир гап, бу ерда ишлаб чиқариш чиқитсиз бажарилади. Чарм қийқимларидан болалар уйи учун бепул ўйинчоқлар, мармар синиқларидан девор пардози учун материал тайёрланади.

Ишлаб чиқариш суръатлари ҳақида икки оғиз. 1998 йил 1кварталида 2,9 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 152 млн. сўмни ташкил этди. Бултур шу даврда 1,6 млн. сўмлик соф фойда олинган бўлса, бу йилги соф фойда 9 млн. сўмга етди. Ўртача кунлик иш ҳақи бултур шу даврда 37,71 сўмни ташкил этган бўлса, бу йил 129,21 сўм.

Чўлнинг қоқ ўртасида жойлашган бу муассасанинг ичида бир парча ҳам бўш ер йўқ, ё кўкат сепилган, ё кўчат ўтқазилган. Йўлаклар, майдонлар чиннидай. Қараб кўзингиз қувонади. Ишлаб чиқариш цехларида бақир-чақир йўқ, ортиқча назоратчи йўқ, унга ҳожат ҳам йўқ. Маҳбуслардан тайинланган бригадир ҳам ўзи ишлайди, ҳам бошқаларнинг ишини кузатади, керак бўлганда йўл-йўриқ ўргатади. Маҳбусларнинг ўзидан тартиб сақлаш бўлинмаси тузилган. Ҳар бир ётоқхона аҳли ўзаро келишиб турли рангли телевизорлар олишган. Маҳбусларнинг ўзаро муомаласида ҳам, маъмурият ходимлари билан муносабатида ҳам шарқона хушмуомалалик кўзга ташланиб турибди. Мен келган пайтда жаримачилар жойи бўм-бўш экан. Сабаби оддий — тартиббузарнинг ўзи йўқ. Ҳамма тезроқ жазо муддатини ўтаб озодликка чиқиб янгича ҳаёт бошлаш иштиёқида.

Азиз Бозоровичдан ютуқлар сирини сўрасам, мийиғида кулиб:

— Ниятимиз холис экан, худо йўл берди. Асосий сабаб, биз вазирликнинг режимни ва тарбиявий ишларни ташкил этиш ҳақидаги буйруқларига оғишмай амал қиламиз, ходимларимизга Президентимиз олиб бораётган сиёсатни тушунтириб борамиз. Муассаса жамоа кенгашининг барча шохобчалари ўз йўналишлари бўйича тинмай изланади. Маълумки, кучга кирган ЖИКга мувофиқ маҳбуслар тўла давлат таъминотида. Шунинг учун улар ишлашдан манфаатдор. Бу ҳам муҳим омил. Қисқа суҳбатда ҳамма «сир»ларни очишим қийин. Лекин турдош муассасалар билан тажрибамизни ўртоқлашишга тайёрмиз. Ҳозир ҳам баъзи қўшнилар келиб иш ўрганиб кетишяпти, — деди.

Ҳар қандай жойда ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан раҳбарга ҳам боғлиқ. Азиз Бозоровичнинг бошқа турдош муассасаларда ишлаб чиқариш бўйича директор лавозимигача бўлган барча босқичларни босиб ўтгани, тўплаган тажрибаси ҳозирда жуда қўл келяпти.

Азиз ака гап орасида бир воқеани айтиб бердилар. Иккинчи бор қамалган маҳбуслардан бири жазо муддати тугаб озодликка чиқаётганда:

— Агар биринчи гал сизнинг қўлингизга тушганимда бошқа жиноят қилмаган бўлардим. Раҳмат, ака! — дебди. Муассаса ходимлари хизматини бундан ортириб баҳолаш қўлимдан келармикан. Русларда «Ҳеч ким маҳбус ёки муҳтож бўлишдан кафолатланмаган» мазмунида мақол бор. Менинг тилагим, аввалambор, ҳеч кимнинг бошига маҳбуслик тушмасин. Мабодо тақдирида шу ёзилган бўлса Азиз акага ўхшаган фидойи, ўз касбининг устаси бўлган кишиларнинг қўлига тушсин.

**Бобомурод ТОШЕВ.**

# ҚЎЛ ҲАМ ГОҲИДА ҚУРОЛ БЎЛАДИ

*Ҳар бир касбни мукаммал эгаллаш ва унинг лаёқатли соҳиби бўлиш учун, энг аввало, мазкур касбнинг барча сир-синоатларини ўрганишга ва қолаверса, доимий равишда ўз устида изланишга тўғри келади. Республика ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ички ишлар идоралари ходимларининг касб маҳоратини ошириш борасида жиддий қайғуриб, уларнинг хизматда доимо асқотадиган касбий ва жисмоний тайёргарлигини тез-тез синовдан ўтказиб туради.*

Яқинда Навоий шаҳрида республика ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида қўл жангги бўйича ўтказилган мусобақа ҳам милиция ходимларининг касб маҳоратларини яна бир бор синовдан ўтказди, десак муболаға бўлмайди. Негаки, ҳар бир милиция ходимининг қўл жангги кураши қоидаларини мукаммал эгаллаши, нафақат жиноятчиларни қўлга олишда ёки уларни зарарсизлантиришда, балки ҳамкасбларимизнинг ўз ҳаётини хавф-хатардан сақлаб қолишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, мазкур мусобақани ўтказишга вилоят ҳокимияти томонидан ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Мусобақада 20 та жамоадан 120 нафар киши қатнашди. Эътиборли томони шундаки, тадбир қатнашчиларининг 60 фоизи, яъни ярмидан кўпини қўл жангги мусобақасида биринчи бор қатнашаётган ходимлар ташкил этди. Зеро, бу қўл жангги машғулотига жойларда янада қизиқиш ортаётганидан далолат беради.

Қўл жангги мусобақасида энг яхши кўрсаткичга-эга бўлган учта ғолиб жамоа ва 6 та вазн тоифаси бўйича 18 та совриндор аниқланди. Жумладан, жамоалар ўртасида 1-ўринни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғиндан сақлаш олий техника мактаби жамоаси эгаллаган бўлса, иккинчи ўринни вазирлик Академияси шаънини ҳимоя қилувчилар қўлга киритдилар. Учинчи ўрин эса Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармасидан келган жамоага насиб этди.

Вазн тоифалари бўйича шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олган Ёнғиндан сақлаш олий техника мактаби жамоаси вакиллари А. Худойқулов, А. Гришин, Бухоро вилояти ИИБ жамоаси вакиллари С. Рустамов, О. Холиқов, Ички ишлар вазирлигидан Б. Рўзматов ва Тошкент олий ҳарбий техника билим юртидан И. Сайдаҳмедовлар мусобақа ғолиблари бўлишди.

Мусобақа сўнггида ғолибларга турли хил эсдалик совғалари топширилди. Дарвоқе, шу ўринда Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шаҳар ҳокимиятининг мазкур мусобақани ташкил этишда ва ўтказишда қўшган улкан ҳиссаси ва яқин ёрдамини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишни истардик. Зеро, бундан кейинги мусобақаларимиз ҳам худди Навоий шаҳридагидек эсда қоларли бўлиб ўтади, деган умидда қоламиз.

**Раҳматилла ЭРАЛИЕВ,**
**ИИВ ШТБИХ катта инспектори,**
**милиция подполковниги.**


**Ўзбекистон Республикаси ИИВ**
**"Жар" спорт-соғломлаштириш комплексида**
**Тиббий пункт фаолият кўрсатмоқда.**

*Унда қуйидаги муолажалар қилинади:*

**- тишингизни оғриқсиз даволатишингиз, оқартиришингиз мумкин. Шифокорлар энг замонавий асбоб-ускуналар билан ишлайдилар.**

**- физиотерапия хонасида ингальяция ультратовуш муолажаси, массаж креслоси, парафин билан даволаш кенг йўлга қўйилган.**

Бизнинг тиббий пунктимизда жаҳон талабларига жавоб берадиган тиббий аппаратуралар ишлатилади.

Сизга олий малакали шифокорлар ва ширинсўз ҳамширалар хизмат кўрсатадилар.

**Манзилимиз: "Чорсу", Беруний кўчаси, 3.**

**ТАШРИФИНГИЗНИ КУТАМИЗ!**


Тошкент шаҳар М. Улуғбек туманидаги 121-мактаб томонидан 1998 йили Зафар Саматович Ҳамраев номига берилган O'R - A 211758 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби Ички қўшинлар Бош бошқармаси бошлиғи, полковник Жўра Худойбердиевич Фозиловга падари бузруквори — ички ишлар идоралари фахрийси

**Худойберди ФОЗИЛОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички қўшинлар Бош бошқармаси бошлиғи, полковник Ж. Фозиловга падари бузруквори

**Худойберди ФОЗИЛОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши ички ишлар идораларининг фахрийси, истеъфодаги милиция полковниги

**Нурилло АБДУТАГИРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ ЖТСБга қарашли қабул қилиш-тақсимлаш муассасаси бошлиғи, милиция подполковниги Саиджалол Яхъёевга онаси

**Мастура САТТАРОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

# MUNAJJIMLAR BASHORATI
## 7 — 13 iyun

*ҚЎЙ (21 март — 20 апрель)*

Сешанба куни катта куч-қувват сарфлаб, ишга кўтаринки руҳда киришасиз. Шу боис, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари яхши натижаларга эришиш имконияти бор. Шанба куни соғлиғингизни яхшилашга киришинг.

*СИГИР (21 апрель — 21 май)*

Душанба ва сешанба кунлари бироз ишингиз юришмайди. Тижорат соҳасида чоршанба ва пайшанба кунлари эришиладиган муваффақият кайфиятингизни кўтариб юборади. Ишқий саргузаштларга бой жума қалбингизга бир олам қувонч бахш этади. Якшанба куни алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг.

*ЭГИЗАКЛАР (22 май — 21 июнь)*

Душанбадан чоршанбагача бўлган давр қийин кечади: руҳий ҳорғинлик, ишхонангиздаги келишмовчиликлар ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Бироқ пайшанбадаги молиявий ютуқ ҳамда жума куни касб маҳоратингизни намойиш этишингиз ўзингизга бўлган ишончни орттиради. Дам олиш кунлари уй юмушларини бажаришнии маслаҳат берамиз.

*ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь — 23 июль)*

Душанба куни ажойиб инсон билан мулоқотда бўласиз. Ҳафтанинг ўртасига бориб бажараётган ишингизда омад, ижодий кўтаринкилик кутилмоқда. Дам олиш кунлари кўргазмалар, премьералар, такдимномаларда иштирок этиб, вақтингизни мазмунли ўтказасиз.

*АРСЛОН (24 июль — 23 август)*

Ушбу ҳафтада баракали меҳнат қиласиз. Ишбилармонлик борасида, айниқса, душанба ва чоршанба омадли кунлардир. Пайшанба куни раҳбарлар кўзига кўринмаганингиз маъқул, бинобарин келишмовчилик келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас.

*БОШОҚ (24 август — 23 сентябрь)*

Сешанба ва пайшанба кунлари кўп асабийлашишингизга тўғри келади. Ўзингиз ҳақ эканлигингизни деярли барчага исботлаб беришингиз лозим. Жума куни хушхабар кутилмоқда. Шанба оқшоми эски қадрдонларингиз даврасида ўтади.

*ТАРОЗИ (24 сентябрь — 23 октябрь)*

Ҳафтанинг бошида шахсий ташаббус кўрсатишингиз фойдадан холи эмас. Бу мураккаб вазифани уддалашингизга олиб келади. Пайшанба куни таваккал ўтказилаётган тадбирдан, шанба куни эса ҳар қандай сафарлардан воз кечинг.

*ЧАЁН (24 октябрь — 22 ноябрь)*

Мазкур ҳафта осойишта ўтади. Меҳнат ютуқларига эришиш учун душанба ва пайшанба қулай кунлардир. Жума куни қўшимча даромад ишлаб олиш имконияти бор. Якшанба куни жароҳат олишдан эҳтиёт бўлинг.

*ЁЙ (23 ноябрь — 21 декабрь)*

Ушбу ҳафтада юлдузлар сизни албатта қўллаб-қувватлайди. Сешанба ва чоршанба кунлари ишингиз юришади. Пайшанба куни янгиликлардан хабар топасиз. Дам олиш кунлари ажойиб инсон билан танишув кутилмоқда.

*ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь — 20 январь)*

Ҳафтанинг бошида айтарли қувончли воқеалар рўй бермайди. Саломатлигингниз билан боғлиқ муаммолар ва ишхонангиздаги омадсизлик ўзингизга бўлган ишончни анча сўндиради. Яқин кишиларингиз ва севгилингизнинг сизга хайрихоҳлиги туфайли яна аввалги ҳолатингиз тикланади. Шанба куни керакли жиҳозни харид қиласиз.

*ҚОВҒА (21 январь — 19 февраль)*

Сешанба куни ҳамёнингизга пул тушади. Чоршанба куни фойдали битимни имзолашга муваффақ бўласиз. Жума куни яқин кишингизнинг кутилмаган нарсани тақдим этиши кўнглингизни тоғдек кўтариб юборади. Ҳафтанинг охирида ижодий ютуқ ва яқин дўстлар билан учрашув кутилмоқда.

*БАЛИҚ (20 февраль — 20 март)*

Чоршанба кунги ишбилармонлар доирасидаги кишилар билан мулоқот яхши самара беради. Ҳафтанинг ўртасига бориб воқеалар керакли томонга ўзгариб кетиши кутилмоқда. Ўз туйғуларингизга таяниб иш кўраверинг, ҳаммаси жойида бўлади.

## А. С. Пушкин таваллудининг 200 йиллигига

# КРИПТОГРАММА




**Ушбу криптограммани ҳал қилиш учун даставвал маънолари қуйида баён этилиб, ҳарфлари эса шартли равишда арабча рақамлар билан беркитилган очқич сўзларни топиш керак. Сўнгра уларнинг ҳарфларини рақамларига қараб "П" ҳарфи шаклининг хоналарига бирма-бир ёзиб чиқсангиз, криптограммада улуғ рус адиби Александр Сергеевич Пушкиннинг ҳикматли сўзлари аён бўлади.**

I. А. С. Пушкиннинг 1817 йилда ёзилган машҳур одаси — 5, 21, 18, 3, 6, 13, 3, 18.

II. Билим манбаи — 18, 3, 10, 19, 15.

III. А. С. Пушкин қаламига мансуб поэмалардан бирининг номи — 13, 1, 13, 3, 13, 11, 21.

IV. Сўз билан ифодаланган тушунча — 14, 11, 12, 6, 19.

V. А. С. Пушкиннинг "Белкин қиссалари"даги беш асардан бирининг номи — 1, 2.

VI. "Китоб билан 14, 16, 13, 19, 2, 19, 10 — киши ақлий камолотининг олий ва беқиёс шаклидир".

(А. Твардовский)

VII. А. С. Пушкиннинг ўзбек тилига Миртемир томонидан таржима қилинган поэмаси қаҳрамонларидан бирининг исми — 13, 17, 22, 14, 3, 13, 11.

VIII. Билимга ташналарга катта ёрдам берувчи маданий-маърифий муассаса — 18, 16, 10, 16, 15, 9, 19, 6, 11.

XI. А. С. Пушкин томонидан 1820 йилда ёзилган машҳур поэма бош қаҳрамонининг учта рақибидан бирини исми — 20, 11, 21, 13, 11, 20.

X. Улуғ шоирнинг 1937 йилда Усмон Носир таржима қилган "Боғчасарой фаввораси" поэмасининг қаҳрамонларидан бири — 14, 11, 21, 3, 8.

XI. Пушкин поэмаси асосида "Руслан ва Людмила" операсини яратган таниқли композитор — 7, 13, 3, 6, 18, 11.

XII. 1969 йилда А. С. Пушкинга Тошкент шаҳри майдонларидан бирида ўрнатилган ҳайкал муаллифи — 11, 6, 3, 18, 16, 4, 3, 6.

**Тузувчи: Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.**

**ГАЗЕТАМИЗНИНГ АВВАЛГИ СОНИДА ЧОП ЭТИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**Диагонал бўйича:** 1. Тесла. 2. Темир. 3. Тийин. 4. Тиллакори. 5. Туркистон. 6. Тунис. 7. Туман. 8. Тулки. 9. Тиски. 10. Такси. 11. Триод. 12. Токио. 13. Тунис. 14. Тизим. 15. Турон. 16. Тивит. 17. Товар. 18. Тибет. 19. Тақабурун. 20. Телевизор. 21. Тажан. 22. Терим. 23. "Тарих". 24. Тусий. 25. Товоқ. 26. Товуқ. 27. Титан. 28. Тикан.

**КРИПТОГРАММА**

**Очқич сўзлар:** 1. Литр. 2. Ганди. 3. Бек. 4. Шасси. 5. Ўч.

**Ҳикмат: Дили бегидир киши чин дўст саналади.**


**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

**MANZILIMIZ:**
**700029,**
**Toshkent,**
**Yunus Rajabiy ko'chasi, 1**

**Gazeta haftaning juma kunlari chiqadi.**

**Bosh muharrir**
**Zokir ATAYEV**

*Muharrir*
**Erkin SATTOROV**
(Bosh muharrir o'rinbosari v.b.)

Navbatchi:
**S. SHAMSIDDINOV**
Musahhihlar:
**M. AKRAMOVA**
**G. XOLIQOVA**
Dizayner:
**A. MIRZAMUHAMEDOV**
Sahifalovchi:
**M. NASRETDINOVA**

**TELEFONLAR:**
**Bosh muharrir o'rinbosari — .... 139-77-23.**
**muxbirlar bo'limi ............ 139-75-69.**
**Faks ............... 54-37-91.**

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun
faks: .................... 54-37-91,
peyjer: .... (088) 36-97, 55-19.

**Reklama bo'limi**
**peyjer .. (088) 55-54, 55-19.**

**Bizning hisob raqamimiz O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Toshkent shahar Bosh boshqarmasi hisob-kitob — kassa markazida: 21506000200447980001, MFO 00014.**

- Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko'rsatish shart
- Maqolada keltirilgan raqamlar, faktlar va boshqa ma'lumotlar, shuningdek, ochiq e'lon qilinishi mumkin bo'lmagan ma'lumotlar uchun muallif javobgar hisoblanadi.
- Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mymkin.
- Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

**Gazeta IBM kompyuterida terildi va sahifalandi.**

Ro'yxatdan o'tish tartibi № **00007**.
Buyurtma Г — **0462**.
Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — .............. 19.00.
Bosishga topshirildi — ....... 18.00.

Obuna raqami — **180**

**107 417** nusxada chop etildi.

**«SHARQ» nashriyot-matbaa konserni bosmaxonasi.**
Korxona manzili:
**Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.**

1, 2, 3, 4, 5, 6.